



**QASHQADARYO VILOYATI  
QAMASHI TUMANI HOKIMINING  
Q A R O R I**

180500, Qamashi shahri, Amir Temur ko‘chasi, 1-uy. Tel: (375) 53-24-490, t.qamashi@exat.uz

2021 - yil 7 - iyun

310-4-58-Q/21

Qamashi tuman hokimligi

2021 йил Давлат ўрмон фонди ерларида ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш табиатга ва ўсимлик дунёсига зарар етказилишини олдини олиш мақсадида, Қамаши давлат ўрмон хўжалигининг 2021 йил 10 майдаги 140-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуни, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил 5-сон, 122-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республикаси ўрмонларни ҳимоя қилиш бўйича айrim меъёрий хужжатларини тасдиқлаш тўғрисида” 1997 йил 22 ноябрдаги 506-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил 11-сон 68-модда) ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда)нинг 6-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. 2021 йил ёз, куз мавсумларида Давлат ўрмон фонди ерларида ва кўшни фермер ва ширкат хўжаликлари ҳамда фуқаролар йиғинлари худудида жойлашган ўрмонларда тамаки маҳсулотлари чекиш, ов қилиш ҳамда гулхан ёкиш қатиъян ман қилинсин.

2. Қамаши давлат ўрмон хўжалиги ўрмончилик бўлимларида ёнғинга қарши кураш тадбирлари 1-иловага, фавқулотда ҳолатларда ёнғинни ўчириш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Қамаши давлат ўрмон хўжалиги (И.Мажидов), Чимқўргон, Марказий кўчатчилик, Игрисув-1, Игрисув-2 ўрмон бўлимлари, Теракчилик ўрмон участкаси ва Қизилтом ўрмон бўлими ўрмончиси (Ж.Норчаев, А.Йўлдошов,

Р.Ражабов, Х.Примов, Қ.Очилов, Қ.Рахмонов) “Азлартепа” МФЙ (Б.Бекмуродов), “Қоратепа” МФЙ (С.Холиқов), “Қарабоғ” МФЙ (Б.Эгамбердиев), “Куйиянги қишлоғи” МФЙ (Б.Умбаров), “Оқгузар” МФЙ (К.Рахимов), “Қизилтепа” МФЙ (Ә.Ҳайитов), “Бобуртепа” МФЙ (Н.Норбоев), “Чангак” МФЙ (А.Бегаллиев), “Қизилқишлоқ” МФЙ (А.Саттаров), “Чуқурқишлоқ” МФЙ (М.Ойназаров), “Ўрта дара” МФЙ (И.Туропов), “Катта Ўра” МФЙ (Ф.Турсунов), “Боғобод” МФЙ (Х.Каримов), “Ойбек” МФЙ (Ҳ.Исмаилов), “Оққишлоқ” МФЙ (Қ.Худойқулов) раислари ёнгин хавфни олдини олишнинг барча тадбирларини ўтказиш бўйича маъсуллиги белгилаб қўйилсин.

4. Қамаши давлат ўрмон хўжалиги (И.Мажидов), Қамаши туман фавқулодда вазиятлар бўлими (Д.Қаюмов), туман тиббиёт бирлашмаси (З.Эшонқулов), “Ўзтелеком АК Қамаши туман филиали (А.Бердимуродов), Чимқўрғон, Марказий қўчатчилик, Игрисув-1, Игрисув-2 ўрмон бўлимлари, Теракчилик ўрмон участкаси ўрмончиси (Ж.Норчаев, А.Йўлдошов, Р.Ражабов, Х.Примов, Қ.Очилов, Қ.Рахмонов) “Азлартепа” МФЙ (Б.Бекмуродов), “Қоратепа” МФЙ (С.Холиқов), “Қарабоғ” МФЙ (Б.Ибраҳимов), “Куйиянги қишлоғи” МФЙ (Б.Умбаров), “Оқгузар” МФЙ (К.Рахимов), “Қизилтепа” МФЙ (Ә.Ҳайитов), “Бобуртепа” МФЙ (А.Боймуродов), “Чангак” МФЙ (А.Бегаллиев), “Қизилқишлоқ” МФЙ (А.Саттаров), “Чуқурқишлоқ” МФЙ (М.Ойназаров), “Ўрта дара” МФЙ (У.Туропов), “Катта Ўра” МФЙ (Ф.Турсунов), “Боғобод” МФЙ (Х.Каримов), “Ойбек” МФЙ (Ҳ.Исмаилов), “Оққишлоқ” МФЙ (Қ.Худойқулов) раислари биргаликда Давлат ўрмон фонди ерларида ёнгин содир бўлганда тезда кечиктириласдан ёнгинни ўчириш учун етарли одамларни жалб қилиш ва уларни асбоб-ускуна ва озиқ-овқатлар билан таъминлаш ҳамда тез тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

5. Қамаши давлат ўрмон хўжалиги (И.Мажидов), Қамаши туман фавқулодда вазиятлар бўлими (Д.Қаюмов), туман тиббиёт бирлашмаси (З.Эшонқулов), “Ўзтелеком АК Қамаши туман филиали (А.Бердимуродов), Чимқўрғон, Марказий қўчатчилик, Игрисув-1, Игрисув-2 ўрмон бўлимлари, Теракчилик ўрмон участкаси ўрмончиси (М.Қаршиев, А.Йўлдошов, Р.Ражабов, Х.Примов, Қ.Очилов, Қ.Рахмонов) “Азлартепа” МФЙ (Б.Бекмуродов), “Қоратепа” МФЙ (С.Холиқов), “Қарабоғ” МФЙ (Б.Ибраҳимов), “Куйиянги қишлоғи” МФЙ (Б.Умбаров), “Оқгузар” МФЙ

(К.Рахимов), “Қизилтепа” МФЙ (Э.Хайитов), “Бобуртепа” МФЙ (А.Боймуродов), “Чангак” МФЙ (А.Бегаллиев), “Қизилқишлоқ” МФЙ (А.Саттаров), “Чуқурқишлоқ” МФЙ (М.Ойназаров), “Үрта дара” МФЙ (У.Туропов), “Катта Ўра” МФЙ (Ф.Турсунов), “Боғобод” МФЙ (Х.Каримов), “Ойбек” МФЙ (Ҳ.Исмаилов), “Оққишлоқ” МФЙ (Қ.Худойқулов) раислари ўрмон хўжалиги ер фондига яқин аҳолига Давлат ўрмон фонди ерларида ёнғинни олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда “Ўрмон тўғрисида”ги ва “Мухофаза этиладиган табиий ҳудулар тўғрисида”ги қонунларни бузган шахсга нисбатан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб тегишли органларга тақдим этиш вазифалари топширилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилишни муносабати билан Қамаши тумани ҳокимининг 2020 йил 20-июндаги HQ-554/06-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Қ.Хайдаров зиммасига юклатисин.

8. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими



Б.Тоғаев

Қамаши туман ҳокимининг  
2021 йил 7 июнданги  
310-4-58-Q/21-сон қарорига  
2-илова

## **Қамаши давлат ўрмон хўжалиги ўрмон фонди ҳудудларида ёнғин хавфи даврида ёнғинга қарши кураш чора-тадбирлари**

1. Ўрмонларда ва ўрмон билан қопланган Давлат ўрмон фонди ерларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун шахсан жавобгарликни ҳис этиш, ёнғин бўлиш эҳтимоли кучли даврда белгиланган ёнғин хавфсизлиги тадбирлари ва ишларини бажариш, Давлат ўрмон фонди ерлари ҳудудларида чиққан ёнғинни тезкорлик билан ўчириш ва бу тўғрисида тегишли ташкилотларга зудлик билан хабар қилиш.

**Ташкил қилиш ва назорат олиб бориш –** Бош ўрмонбеки, ўрмонни сақлаш ва муҳофаза қилиш муҳандиси, Бош ҳисобчи

**Бажаради:** Қамаши давлат ўрмон хўжалиги ўрмон инспектори, ўрмон муҳандиси, ўрмон кадастри муҳандиси, ўрмон бўлим бошлиқлари, ўрмон усталари, ўрмончилар ва ишчи ходимлар

**Муддати:** Ёнғин хавфи даври мавсум давомида

2. Ўт-ўлан билан қопланган ерларда, қамишзорлар, ўрмонзорлар яқинида шамолли об-ҳаво гулхан ёқишини таъқиқлаш, ёниб турган нарсаларни ташлаш учун маҳсус жойларни ташкил қилиш, ҳар бир ўрмон сарҳадлари айланмаларида камида 200 (икки юз) летир миқдорида елим идишларида сув захираларини ташкил қилиш ва маҳсус ураларда сақланишини таъминлаш, сув ҳавзалари мавжуд ҳудудларда уларни тозалаш кенгайтириш, доимий сув сақланиши учун зарур чораларини кўриб бориш.

**Ташкил қилиш ва назорат олиб бориш-** Бош ўрмонбеки, ўрмонни сақлаш ва муҳофаза қилиш муҳандиси, Бош ҳисобчи

**Бажаради:** Қамаши давлат ўрмон хўжалиги ўрмон инспектори, ўрмон муҳандиси, ўрмон кадастри муҳандиси, ўрмон бўлим бошлиқлари, ўрмон усталари, ўрмончилар ва ишчи ходимлар

**Муддати:** Ёнғин хавфи даври мавсум давомида

3. Қамаши давлат ўрмон хўжалиги ўрмон фонди ҳудудларида ёнғин чиққан ҳолатда маҳалла фуқаролари йиғинлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ёнғин чиққан жойда кўнгилли ёнғин ўчириш бўлинмаларини

белгиланган ёнғин үчириш ишчи кучларини ўз вақтида етказиш. Техника ва ёнғинга қарши транспорт билан таъминланишини тұғри ва аниқ ташкил қилиш.

**Ташкил қилиш ва назорат олиб бориш-Бош үрмонбеги, үрмонни сақлаш ва муҳофаза қилиш мухандиси, Бош ҳисобчи**

**Бажаради:** Қамаши давлат үрмон хўжалиги үрмон инспектори, үрмон мухандиси, үрмон кадастри мухандиси, үрмон бўлим бошлиқлари, үрмон усталари, үрмончилар ва ишчи ходимлар

**Муддати:** Ёнғин хавфи даври мавсум давомида

4. Чорва моллари боқиладиган, ов қилинадиган, беда ўриладиган үрмонларда, болалар оромгохларида. Дам олиш зоналарида ва геологик қидирув ва қўриқхона ҳудудидаги экспедицияларда комплектланган ёнғин үчириш қуролларини бўлишини назорат қилиш, Давлат үрмон фонди ерларига яқин ерларда ва унга олиб борувчи йўллар ёқасига оловдан эҳтиётлик билан фойдаланишга чакиравчи ёнғин чиқиш хавфидан огохлантирувчи белгиларни қўйиш. Вақтинча фойдаланувчилар билан ёнғин хавфсизлиги юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш.

**Ташкил қилиш ва назорат олиб бориш-Бош үрмонбеги, үрмонни сақлаш ва муҳофаза қилиш мухандиси, Бош ҳисобчи**

**Бажаради:** Қамаши давлат үрмон хўжалиги үрмон инспектори, үрмон мухандиси, үрмон кадастри мухандиси, үрмон бўлим бошлиқлари, үрмон усталари, үрмончилар ва ишчи ходимлар

**Муддати:** Ёнғин хавфи даври мавсум давомида

5. Оммовий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилган ҳолда Давлат үрмон қўриқчиларига шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мавзуларида тарғибот ишларини олиб бориш.

**Ташкил қилиш ва назорат олиб бориш-Бош үрмонбеги, үрмонни сақлаш ва муҳофаза қилиш мухандиси, Бош ҳисобчи**

**Бажаради:** Қамаши давлат үрмон хўжалиги үрмон инспектори, үрмон мухандиси, үрмон кадастри мухандиси, үрмон бўлим бошлиқлари, үрмон усталари, үрмончилар ва ишчи ходимлар

**Муддати:** Ёнғин хавфи даври мавсум давомида

6. Давлат ўрмон фонди ерларида иш олиб борувчи ёки ўрмонларда баъзи обьектларга эга бўлган ҳамда ўрмон фонди ерларини маълум муддатга ижарага олган хўжаликлар, ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва ахолининг мавсумга тайёргарликларини текшириш, аниқланган камчиликларни биргаликда ҳал этиш ҳамда қатъий чоралар кўриш.

**Ташкил қилиш ва назорат олиб бориш-Бош ўрмонбеги, ўрмонни сақлаш ва муҳофаза қилиш муҳандиси, Бош ҳисобчи**

**Бажаради:** Қамаши давлат ўрмон хўжалиги ўрмон инспектори, ўрмон муҳандиси, ўрмон кадастри муҳандиси, ўрмон бўлим бошлиқлари, ўрмон усталари, ўрмончилар ва ишчи ходимлар

**Муддати:** Ёнгин хавфи даври мавсум давомида

7. Ёнгин хавфсизлиги қодаларини бузувчиларни тезкорлик билан аниқлаш, уларни устидан зудлик билан тегишли хужжатларни тузиб, келтирилган заарни ундириб олиш чораларини кўриш, ёнфинга қарши кураш мақсадида тезкорлик билан ҳаракат қилувчи гурух тузиш уни ҳаракат йўналишини белгилаш ва шу мавзуда семенар ташкил қилиш.

**Ташкил қилиш ва назорат олиб бориш-Бош ўрмонбеги, ўрмонни сақлаш ва муҳофаза қилиш муҳандиси, Бош ҳисобчи**

**Бажаради:** Қамаши давлат ўрмон хўжалиги ўрмон инспектори, ўрмон муҳандиси, ўрмон кадастри муҳандиси, ўрмон бўлим бошлиқлари, ўрмон усталари, ўрмончилар ва ишчи ходимлар

**Муддати:** Ёнгин хавфи даври мавсум давомида

Қамаши туман ҳокимининг  
2021 йил 7 июндаги  
310-4-58-Q/21-сон қарорига  
1-илова

т/р	Жойлашадиган ахоли		Ёнғинга қарши ўчириш асбоблари			Ўрмон бўлимининг номи	Техникалар сони	Шундан сув ташиш машинаси	Керакли нарсаларни юборадиган жой
	Жами	Шундан ёнғин ўчиришга катнашади	Болта	Appa	Бел-курак				
1	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	295	150	95	35	110	Жонбўзсоид участкаси	8	2	Фуқаролар йигини
2	240	170	80	50	140	Чимкўргон	9	3	Фуқаролар йигини
3	340	200	95	35	130	Чимкўргон	5	1	Фуқаролар йигини
4	400	250	90	60	145	Чимкўргон	6	2	Фуқаролар йигини
5	208	150	80	30	150	Чимкўргон	4	2	Фуқаролар йигини
6	200	100	45	20	120	Чимкўргон	7	1	Фуқаролар йигини
7	400	180	65	45	150	Марказ	8	3	Фуқаролар йигини
8	270	170	90	62	125	Теракчилик участкаси	9	2	Фуқаролар йигини
9	270	180	65	10	140	Игрисув-1	5	1	Фуқаролар йигини
10	250	160	70	15	200	Игрисув-1	2	2	Фуқаролар йигини
11	170	130	60	20	130	Игрисув-1		1	Фуқаролар йигини
12	180	150	65	25	170	Игрисув-1	8	3	Фуқаролар йигини
13	110	90	55	35	90	Игрисув-1	4	1	Фуқаролар йигини
14	170	130	140	45	130	Игрисув-1	9	1	Фуқаролар йигини
15	180	120	150	20	150	Игрисув-2	6	2	Фуқаролар йигини
16	185	155	145	35	145	Игрисув-2	7	3	Фуқаролар йигини